Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

## ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
## к договору (контракту) от 22.04.2022 г. № 4

**между "Фазилат авто Сервис" МЧЖ и Учкудук туман МТБ на общую сумму 83500500,00**

Глава 251

Казначейский лицевой счёт 100022860122487091100251007

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4232200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | 83 500 500,00 | | | 83 500 500,00 |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **83 500 500,00** | | | **83 500 500,00** |

Всего 83500500.00 сум Восемьдесят три миллиона пятьсот тысяч пятьсот сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 25050150.00 сум или 30.00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в апрел мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ Амонова Нигора Насимовна

(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ в.в.б.Ражабова Малика Шахобовна

(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___ г.

Получил работник заказчика ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___ г.

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

2022 y. «22» 4 | 2022-118-5-76-MT-son | Учқудуқ туман

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Учкудук тумани мактабгача таълим бўлими номидан Низоми асосида иш кўрувчи Н.Амонова бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Фазилат Авто Сервис МЧЖ номидан Устави асосида иш кўрувчи А.Исоков иккинчи томондан Учкудук туман Мактабғача таълими бўлимига қарашли 12-сонли МТТни том қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича қуйидаги шартномани туздилар:

### I. ТАРАФЛАР.

1. Бажариладиган қурилиш ишлари ишчи лойиҳасига асосан олиб борилади, бажариладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ва қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган (Форма-2) далолатномаси асосида иш олиб борилади.

Қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан Пудратчиға берилган ер участкаси. белгиланадиган барча белгилар билан белгилаб қўйилади;

Вақтинчалик иншоотлар – пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

Бажариладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан бажариладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Учкудук туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли МТТни том қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда лойиҳа смета ҳужжатларига асосан 83 500 500 (Саксон уч миллион беш юз минг беш юз) сўмни ташкил этади.4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим имзолаш билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Кўриб чиқган юрист: TO'RAYEV ULUG'BEK RAXIMOVICH. Ҳужжат рақами: BT6764302432

Иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

Қурилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили хакида буюртмачини хабардор килиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта килиш;

Қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10кун давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

10. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

Кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб килинганда шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 35 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30% микдорида аванс ўтказади, бу 25 050 150 (Йигирма беш миллион эллик минг бир юз эллик) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сўнг, кейинги тўлов «Бажарилган ишлар» далолатномасига (форма–2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни муттасил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура – курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланишини, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофиклиги тўгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи, Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб – ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан икки кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса, ёки у бу хакида хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан, курилиш ва курилиш кийматини кўпайтирмаслик шарти билан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир. Ушбу шартнома 34–бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишни кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб – сидиради ва озода саклайди. Қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасига кетган вақтга мунсиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳамда мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

Лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатига;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатцияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

Объектдан фойдаланилганда муҳандис тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф қилиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилинишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

36. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишларнинг қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидаларига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

Иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмларининг 0,3% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашда асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,3 % миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,3 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,3 % и миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % идан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,3% миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: FS75510401

тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

49. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зараларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чикилади.

## XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

51. Пудратчи курилиш объектига ёки уларнинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилган бошқа барча холлар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача белгиланади.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| БУЮРТМАЧИ | ПУДРАТЧИ |
|---|---|
| Ташкилот номи: Мактабгача таълим бўлими<br>Манзил: Учкудук туман Чўл гули 26 уй<br>Телефон: 79 593-49-47<br>СТИР коди: 305149316<br>ОКОНХ: 04443<br>Х/р: 100022860122487091100251007<br>Банк номи: Тошкент шахар Марказий банк<br>МФО: 00014 Ғазначилик номи: Учкудук туман бўлинмаси Х/Р: 23402000300100001010<br>Банк номи: Тошкент шахар Марказий банк МФО: 00014 СТИР коди: 201122919<br>Раҳбар: ____________ Н.Амонова<br>М.Ў. | Ташкилот номи: “ Фазилат Аво Сервис” МЧЖ<br>Манзил: Навоий вилояти Қизилтепа туман Зармитан МФЙ<br>Телефон: 97 228 66 00 , 94 234 00 05<br>СТИР коди: 302689747<br>Х/р: 2020 8000 4002 5047 2001<br>Банк номи: АТБ “Халкбанк” Қизилтепа тумани<br>МФО: 00706<br>Раҳбар: ________________ Х.Исоков<br>М.Ў. |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: BT6764302432

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№FS75510401

**1.Loyihaning turi**

Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi**

Pudrat shartnomasi № 4

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Uchquduq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi 22.04.2022 yil.

## XULOSA

Ushbu Uchquduq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "FAZILAT AVTO SERVIS " MCHJ bilan o'zaro tuzilgan maktabgacha ta'lim bo`limiga qarashli 12-sonli maktabgacha ta`lim muassasisini tom qismini ta`mirlash ishlari togrisidagi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 37-bob, 631-655-moddalari yana "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi Nizom" talablariga rioya qilingan (hujjat tartib raqami 3016), talablariga javob beradi, qabul qilinishi ko'zda tutilayotgan mazkur loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga **muvofiq.**

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i:**

**U.To'raev**
22.04.2022 yil.

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 67461 на приобретение Учқудуқ туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли МТТни том қисмини жорий таьмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 19.04.2022

Время рассмотрения 19.04.2022 11:19

Конкурсная комиссия Учкудук тумани МТБ Марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | AMONOVA NIGORA NASIMOVNA | МТБ мудири | Учқудуқ туман МТБ |
| **Секретарь комиссии** | SAFAROVA NAFISA QAHRAMONOVNA | ДавДавлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис | Учқудуқ туман МТБ |
| **Член комиссии** | IBRAYMOVA BEKZAT KULAXMETOVNA | Иқтисодчи | Учқудуқ туман МТБ |
| **Член комиссии** | RASBAYEVA GULMIRA TURAROVNA | Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби бўйича ҳисобчи | Учқудуқ туман МТБ |
| **Член комиссии** | RAJABOVA MALIKA SHAHOBOVNA | Бош ҳисобчи ўринбосари | Учқудуқ туман МТБ |
| **Член комиссии** | AKMOLDAYEVA MARINA BEREKETOVNA | Товар моддий қимматликлар ҳисоби бўйича ҳисобчи | Учқудуқ туман МТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.04.2022 года № лота 67461.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 100

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту кровли** |
| Подробное описание | Учқудуқ туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли МТТни том қисмини жорий таьмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 124 495 156.00 |
| Стартовая сумма | 124 495 156.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 малакали мутахассислар мавжудлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: малакали мутахассислар мавжудлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHORA QURILISH KELAJAGI XK | 20 | илова килинди | 20 | Экспертная | | |
| ЧП KANIMEX-BINOKOR-SERVIS | 20 | мутахассислар руйхати ташланди | 20 | Экспертная | | |
| ООО BAXROMBEK KELAJAGI | 20 | МАЛАКАЛИ ИШЧИ МУТАХАСИСЛАР СОНИ 15 НАФАР | 20 | Экспертная | | |
| FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ | 20 | 83500500 | 20 | Экспертная | | |
| ООО SHABBONA 2019 | 20 | ИЛОВА ҚИЛИНДИ | 20 | Экспертная | | |
| ООО GARANT UCHQUDUQ | 20 | 85289682 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 ташкилотни балансида мавжуд машина механизимлари тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: ташкилотни балансида мавжуд машина механизимлари тўғрисида

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHORA QURILISH KELAJAGI XK | 20 | илова килинди | 10 | Экспертная | | |
| ЧП KANIMEX-BINOKOR-SERVIS | 20 | бор | 20 | Экспертная | | |
| ООО BAXROMBEK KELAJAGI | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ | 20 | 83500500 | 10 | Экспертная | | |
| ООО SHABBONA 2019 | 20 | ТМАШИНА МЕХАНИЗМЛАРНИ КИРИТИШ БЎЙИЧА ИЖАРА ШАРТНОМА ИЛОВА ҚИЛИНДИ | 10 | Экспертная | | |
| ООО GARANT UCHQUDUQ | 20 | 85289682 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ташкилот низоми ва рўйхатдан ўтказилган тўғрисида гувоҳнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми ва рўйхатдан ўтказилган тўғрисида гувоҳнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHORA | 20 | илова килинди | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QURILISH KELAJAGI XK | | | | | | |
| ЧП KANIMEX-BINOKOR-SERVIS | 20 | юкланди | 10 | Экспертная | | |
| OOO BAXROMBEK KELAJAGI | 20 | устав гувоҳнома | 20 | Экспертная | | |
| FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ | 20 | 83500500 | 20 | Экспертная | | |
| OOO SHABBONA 2019 | 20 | ИЛОВА ҚИЛИНДИ | 20 | Экспертная | | |
| OOO GARANT UCHQUDUQ | 20 | Ташкилот 2018 йил 20 ноябрдаги №312030007147 сонли гувохномага асоан ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусха

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусха

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHORA QURILISH KELAJAGI XK | 20 | Илова килинди ГОСТ Актлар | 10 | Экспертная | | |
| ЧП KANIMEX-BINOKOR-SERVIS | 20 | шартномалар | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| OOO BAXROMBEK KELAJAGI | 20 | Гост акт мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ | 20 | 83500500 | 20 | Экспертная | | |
| OOO SHABBONA 2019 | 20 | ИЛОВА ҚИЛИНДИ | 20 | Экспертная | | |
| OOO GARANT UCHQUDUQ | 20 | 85289682 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 пудратчининг қурилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтингги мавжудлиги тўғрисида жорий зарур техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: пудратчининг қурилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтингги мавжудлиги тўғрисида жорий зарур техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHORA QURILISH KELAJAGI XK | 20 | Илова килинди | 20 | Экспертная | | |
| ЧП KANIMEX-BINOKOR-SERVIS | 20 | рейтинги юлланди | 20 | Экспертная | | |
| OOO BAXROMBEK KELAJAGI | 20 | BB | 20 | Экспертная | | |
| FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ | 20 | 83500500 | 20 | Экспертная | | |
| OOO SHABBONA 2019 | 20 | ИЛОВА ҚИЛИНДИ | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| OOO GARANT UCHQUDUQ | 20 | 85289682 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №6 солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида,қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида,қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHORA QURILISH KELAJAGI XK | 20 | Маълумотнома №431016 | 10 | Экспертная | | |
| ЧП KANIMEX-BINOKOR-SERVIS | 20 | карздорлик йук | 20 | Экспертная | | |
| OOO BAXROMBEK KELAJAGI | 20 | мавжуд эмас | 10 | Экспертная | | |
| FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ | 20 | 83500500 | 20 | Экспертная | | |
| OOO SHABBONA 2019 | 20 | ИЛОВА ҚИЛИНДИ | 10 | Экспертная | | |
| OOO GARANT UCHQUDUQ | 20 | 85289682 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| OOO GARANT UCHQUDUQ | 124 495 156.00 | 85 289 682.00 | 18.04.2022 09:46:04 | 97.90 |
| FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ | 124 495 156.00 | 83 500 500.00 | 18.04.2022 09:21:13 | 100.00 |
| BAHORA QURILISH KELAJAGI XK | 124 495 156.00 | 79 700 000.00 | 15.04.2022 15:00:15 | |
| OOO BAXROMBEK KELAJAGI | 124 495 156.00 | 87 959 920.00 | 18.04.2022 09:17:05 | 94.93 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО GARANT UCHQUDUQ** | Прошел | 97.9 | 97.9 |
| **ЧП KANIMEX-BINOKOR-SERVIS** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ООО SHABBONA 2019** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ** | Прошел | 100 | 100 |
| **BAHORA QURILISH KELAJAGI ХК** | Прошел | | 0 |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | Прошел | 94.93 | 94.93 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 67461 от 19.04.2022 года на приобретение Учқудуқ туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли МТТни том қисмини жорий таъмирлаш определила победителем:

FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ
302689747

и резервный исполнитель: ООО GARANT UCHQUDUQ (303314319)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | RASBAYEVA GULMIRA TURAROVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | AKMOLDAYEVA MARINA BEREKETOVNA | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | AMONOVA NIGORA NASIMOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAJABOVA MALIKA SHAHOBOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | IBRAYMOVA BEKZAT KULAXMETOVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП